2. EUR.1 Dolaşım Belgesi düzenleyen ihracatçı ülkenin belirlenmiş/ilgili yetkili makamları, 15 inci maddenin 2 nci paragrafında belirtilen başvuru formunu en az üç yıl muhafaza eder.
3. İthalatçı ülkenin gümrük idaresi, kendisine ibraz edilen EUR.1 Dolaşım Belgesini en az üç yıl muhafaza eder.

Madde 25

Farklılıklar ve şekli hatalar

1. EUR.1 Dolaşım Belgesi üzerindeki ibareler ile ürünlerin ithalat işlemlerini yerine getirmek amacıyla gümrük idarelerine ibraz edilen belgeler üzerindeki ibareler arasında bulunabilecek küçük tutarsızlıklar, sunulan ürünlere karşılık geldiğinin usulünce tespit edilmesi kaydıyla, EUR.1 Dolaşım Belgesini kendiliğinden geçersiz kılmaz.
2. EUR.1 Dolaşım Belgesi üzerindeki daktilo hatası gibi bariz şekli hatalar, bu belgedeki ifadelerin doğruluğu üzerinde şüphe yaratması söz konusu değil ise, bu belgenin reddedilmesini gerektirmez.

BAŞLIK V

İDARİ İŞBİRLİĞİ DÜZENLEMELERİ

Madde 26

Karşılıklı yardım

1. Akit Tarafların gümrük idareleri, birbirlerine kendi belirlenmiş/ilgili yetkili makamlarında EUR.1 Dolaşım Belgesinin düzenlenmesinde kullanılan mühürlerin örnek baskılarını ve söz konusu belgelerin sonradan kontrolünden sorumlu gümrük idarelerinin veya ilgili yetkili makamlarının adreslerini temin eder.
2. Bu Ek'in doğru uygulanmasını teminen Akit Taraflar, yetkili gümrük idareleri ve yetkili kılınmış makamları ve usulüne uygun olarak yetkilendirilmiş kurumları vasıtasıyla, birbirlerine menşe ispat belgelerinin geçerliliğinin ve bu belgelerde yer alan bilgilerin doğruluğunun kontrolünde yardımcı olur.

Madde 27

Menşe ispat belgelerinin kontrolü

1. EUR.1 Dolaşım Belgesinin sonradan kontrolü, sondaj usulü ile veya ithalatçı ülke gümrük idaresinin bu belgelerin geçerliliğine, sözkonusu ürünlerin menşe statüsüne veya bu Ek'in diğer koşullarının yerine getirilişine ilişkin makul şüphesi olduğu her an yapılır.
2. Paragraf 1 hükümlerini yerine getirmek amacıyla, ithalatçı ülkenin gümrük idaresi, EUR.1 Dolaşım Belgesi ve fatura veya bu vesaiklerin birer kopyasını, gerektiğinde araştırmanın gerekçelerini de belirterek ihracatçı ülkenin gümrük idaresine geri gönderir. EUR.1 Dolaşım Belgesinde yer alan bilgilerin doğru olmadığı kanaatini uyandıran elde edilmiş tüm belge ve bilgi, kontrol talebini desteklemek üzere gönderilir.

3. Kontrol, ihracatçı ülkenin belirlenmiş/ilgili yetkili makamları tarafından yapılır. Bu amaçla, söz konusu makamlar, her türlü delili talep etme ve ihracatçının hesaplarının incelemesini yürütme ve uygun gördüğü her türlü kontrolü yapma yetkisine sahiptir.
 4. İthalatçı ülkenin gümrük idaresinin kontrol sonucunun beklenmesi süresinde söz konusu ürünlerle tercihli muamele tanınmasını askıya almaya karar vermesi halinde, ürünlerin gerekli görülen ihtiyati tedbirlere bağlı olarak serbest bırakılması ithalatçıya önerilir.
 5. Kontrol talebinde bulunan gümrük idaresi, bu kontrolün sonuçlarından mümkün olan en kısa zamanda haberdar edilir. Bu sonuçlar, belgelerin gerçek olup olmadığını, söz konusu ürünlerin Akit Taraflardan biri menşeli olarak kabul edilip edilemeyeceğini ve bu Ek'teki diğer gereklilikleri karşılayıp karşılamadığını açıkça göstermelidir.
- Bu Ek'in Madde 6'sına göre ve Madde 15(4)'ü ile bağlantılı olarak kümülasyon hükümlerinin uygulanması halinde, cevap tabi olunan belgenin (belgelerin) bir örneğini de (örneklerini) içerir.
6. Makul şüphe olması halinde, kontrol talebine altı ay içinde cevap alınmaz ise, talepte bulunan gümrük idaresi ilave üç aylık süre için son bir talep gönderir. İlk kontrol talebi tarihinden sonra dokuz ay içinde hiçbir cevap alınamaması halinde, ithalatçı Taraf tercih tanınmasını reddeder.
 7. Bu Madde hükümlerine uygun olarak Akit Taraflar arasında yapılan yazışmalar posta hizmetlerine ek olarak elektronik ortamda da yapılabilir.

Madde 28

Anlaşmazlıkların çözümü

Madde 25'te belirtilen kontrol usulleriyle ilgili olarak, kontrol talebinde bulunan gümrük idareleri ile bu kontrolün yapılmasından sorumlu belirlenmiş/ilgili yetkili makamlar arasında çözümlenemeyen bir anlaşmazlık veya bu Ek'in yorumlanmasına ilişkin bir soru hâsıl olması halinde, bu hususlar Ortak Komite'ye sunulur. İthalatçı ile ithalatçı ülkenin gümrük idaresi arasındaki her türlü anlaşmazlık, adı geçen ülkenin mevzuatı çerçevesinde çözülür.

Madde 29

Cezalar

Cezalar, ürünler için tercihli muamele hakkı elde etmek amacıyla yanlış bilgi içeren bir belgeyi hazırlayan veya hazırlattıran şahıslara, ithalatçı ülkenin ulusal hukukuna/mevzuatına uygun olarak uygulanır.

Madde 30

Serbest bölgeler

1. Akit Taraflar, nakliye esnasında, kendi ülkelerinde bulunan bir serbest bölgeyi kullanan, bir EUR.1 Dolaşım Belgesi kapsamında ticarete konu ürünlerin başka ürünlerle değiştirilmediğinin

veya bozulmalarını önleyici normal işlemler dışındaki herhangi bir işleme tabi tutulmadığının temini konusundaki gerekli bütün tedbirleri alır.

2. Paragraf 1’de yer alan hükümlere istisna olarak, Akit Taraflardan biri menşeli ürünler EUR.1 Dolaşım Belgesi kapsamında bir serbest bölgeye ithal edildiğinde ve bir işlem veya muameleden geçirildiğinde, ilgili idareler, uygulanan işlem veya muamelelerin bu Ek hükümlerine uygun olması koşuluyla, ihracatçının talebi üzerine yeni bir EUR.1 Dolaşım Belgesi düzenler.

BAŞLIK VI

SON HÜKÜMLER

Madde 31

Gümrük ve menşe konuları Alt Komitesi

Ortak Komite altında, görevlerini ifa etmesine yardımcı olmak ve uzmanlar arasında sürekli bilgi akışı ve danışma süreci sağlamak üzere bir gümrük ve menşe konuları Alt Komitesi kurulur. Anılan alt komite Akit Tarafların gümrük ve menşe konularından sorumlu uzmanlarından oluşur.

Madde 32

Lahika

Bu Ek’e ait Lahika, onun ayrılmaz bir parçasını oluşturur.

Madde 33

Transit durumdaki ve antrepodaki eşya

Başlık II hükümlerine uygun olan ve bu Anlaşma’nın yürürlüğe girdiği tarihte nakliye halinde olan ya da bir Akit Taraf ülkesindeki antrepolarda veya serbest bölgelerde geçici depolanan eşya, ithalatçı ülkenin gümrük idaresine Anlaşmanın yürürlüğe girdiği tarihten itibaren dört ay içinde sonradan düzenlenmiş bir EUR.1 Dolaşım Belgesi ve nakliye koşullarına ilişkin tevsik edici her tür belgenin sunulması kaydıyla, menşeli olarak kabul edilebilir.

Madde 34

Değişiklikler

Ortak Komite bu Ek’teki hükümlerin değiştirilmesine karar verebilir.

LAHİKA

EUR.1 DOLAŞIM BELGESİ VE EUR.1 DOLAŞIM BELGESİ İÇİN BAŞVURU FORMU ÖRNEKLERİ

Basım Talimatı

1. Her bir form 210x297 mm. ebadında olmalıdır; uzunlukta en fazla eksi 5 mm veya artı 8 mm'lik bir toleransa izin verilebilir. Kullanılan kâğıt beyaz ve yazım boyutunda olmalı, mekanik kâğıt hamuru içermemeli ve ağırlığı 25gr/m²'den az olmamalıdır. Söz konusu form, mekanik ve kimyasal araçlarla yapılabilecek tahrifatı gözle görünür hale getiren yeşil meneviş desenli baskılı zemine sahip olmalıdır.
2. Taraf ülkelerin yetkili mercileri, formları bizzat basmak veya onaylanmış basımevlerine bastırtmak hakkını saklı tutabilirler. İkinci durumda her bir form, onay işaretini havidir. Her bir form basımevinin isim ve adresini veya basımevini tanıtıcı bir işareti taşır. Form ayrıca kendisini tanıtıcı mahiyette baskılı veya baskısız bir seri numarası taşır.

DOLAŞIM BELGESİ

1. İhracatçı (Adı, Açık adresi, Ülke)	<h3 style="margin: 0;">EUR.1 No. A 000.000</h3> <p style="font-size: small; margin: 0;">Bu formu doldurmadan önce arkadaki notları okuyunuz</p>	
3. Malın gönderildiği şahıs (Adı, Açık Adresi, Ülke) (Tercihe Bağlı)	2. ve arasındaki tercihlî ticarete kullanılan belgedir. <i>(İlgili ülkeler, ülke grupları veya alanların yazınız.)</i>	
6. Taşımacıya ilişkin bilgiler (Tercihe Bağlı)	4. Ürünlerin menşei sayılan ülke, ülkeler grubu veya alanlar	5. Varış ülkesi ülkeler grubu veya alanı
7. Gözlemler		
8. Sıra No; Kolilerin marka ve işaretleri, Sayı ve türleri⁽¹⁾; Eşyanın tanımı⁽²⁾	9. Brüt ağırlık (kg) veya diğer ölçüler (Litre, metreküp, v.s.)	10. Faturalar (Tercihe Bağlı)
11. GÜMRÜK VİZESİ Onaylanan Beyan Mübür İhraç Belgesi ⁽³⁾ : Form..... No..... Gümrük İdaresi veya yetkili idari ofis..... Düzenleyen Ülke veya Alan..... Yer ve Tarih..... <i>(İmza)</i>	12. İHRACATÇI BEYANI Aşağıda imzasız bulunan ben, yukarıda belirtilen eşyanın bu belgenin düzenlenmesi için gerekli olan koşullara uygun olduğunu beyan ederim. Yer ve Tarih..... <i>(İmza)</i>	

⁽¹⁾ Eşya ambalajlı değilse, yerine göre eşyaların sayısını veya "dökme" olduğunu belirtiniz.

⁽²⁾ Başlık düzeyinde (6 haneli kod) düzeyinde eşyanın tarife sınıflandırmasını içerir.

⁽³⁾ Yalnız ihracatçı ülke veya alan kurallarının gerekli görüldüğü yerleri doldurunuz.

13. DOĞRULUĞUN KONTROLÜ İSTEMİ:	14. KONTROLÜN SONUCU
<p>Bu belgenin doğruluk ve kurallara uygunluğunun kontrolü talep edilir.</p> <p>..... (Yer ve tarih)</p> <p>Mühür</p> <p>..... (İmza)</p>	<p>Yapılan kontrol bu belgenin (*)</p> <p><input type="checkbox"/> Belirtilen gümrük idaresince düzenlendiğini ve içerdiği bilgilerin doğru olduğunu göstermektedir.</p> <p><input type="checkbox"/> Doğruluk ve kurallara uygunluk koşullarına cevap vermediğini göstermektedir. (Ekteki açıklamalara bakınız.)</p> <p>..... (Yer ve tarih)</p> <p>Mühür</p> <p>..... (İmza)</p> <p>..... (*) Uygun olan kutuya (X) işareti koyunuz.</p>

NOTLAR

1. Belgeler, silinmeler veya birbiri üzerine yazılmış kelimeler ihtiva edemez. Değişiklikler doğru olmayan kayıtların üzerinin çizilmesi ve gerekli düzeltmelerin eklenmesi suretiyle yapılır. Böyle bir değişiklik, belgeyi düzenleyen kişi tarafından paraf edilmeli ve düzenlendiği ülke gümrük idaresi veya düzenleyen ülkenin veya alanın yetkili idari otoritesi tarafından onaylanmalıdır.
2. Belgeye kaydedilen maddeler arasında boşluk bırakılmamalı ve her bir madde önüne bir sıra numarası konulmalıdır. Son maddenin hemen altına yatay bir çizgi çekilmelidir. Kullanılmayan yerler, sonradan bir eklemeyi imkânsız kılmak üzere iptal edilmelidir.
3. Eşya, ticari faaliyetlere uygun olarak ve teşhis edilmelerini sağlayacak yeterli ayrıntılarla tanımlanmalıdır.

DOLAŞIM BELGESİ İÇİN BAŞVURU FORMU

1. İhracatçı (Adı, Açık adresi, Ülke)	EUR.1 No A 000.000	
	Bu formu doldurmadan önce arkadaki notları okuyunuz	
3. Malın gönderildiği şahıs (Adı, Açık Adresi, Ülke) (Tercihe Bağlı)	2. ve arasındaki tercihlî ticaretle kullanılan belge için başvurudur (İlgili ülkeler, ülke grupları veya alanlarını yazınız.)	
	4. Ürünlerin menşei sayılan ülke, Ülkeler grubu veya alanlar	5. Varış ülkesi ülkeler grubu veya alanı
6. Taşımaya ilişkin bilgiler (Tercihe Bağlı)	7. Gözlemler	
8. Sıra No; Kolilerin marka ve işaretleri, Sayı ve türleri ⁽¹⁾ ; Eşyanın tanımı ⁽²⁾	9. Brüt ağırlık (kg) veya diğer ölçüler (Litre, metreküp, vs.)	10. Faturalar (Tercihe Bağlı)

(¹) Eşya ambalajlı değilse, yerine göre eşyaların sayısını veya "dökme" olduğunu belirtiniz.

(²) Başlık düzeyinde (4 haneli kod) düzeyinde eşyanın tarife sınıflandırmasını içerir.

İHRACATÇI BEYANI

Ben aşağıda imzası bulunan ve arka sayfada tanımlanan eşyaların ihracatçısı;

Eşyanın, ekli belgenin düzenlenmesini gerektiren koşullara uygun olduğunu BEYAN;

Eşyanın bu koşullara uygunluğunu sağlayan şartların aşağıda belirtildiği gibi geliştiğini İZAH;

Aşağıdaki destekleyici belgeleri İBRAZ ⁽¹⁾;

Yetkili mercilerin isteği üzerine, ekli belgenin düzenlenmesi için gerekli gördükleri her türlü destekleyici belgeyi ibra edeceğimi ve gerekirse, bu merciler tarafından hesaplarımın kontrolünü ve yukarıdaki eşyanın imalat işlemlerini denetlenmesini kabul ettiğimi TAAHHÜT;

Bu eşya için ekli belgenin düzenlenmesi hususunda gereğini ARZ

Ederim.

.....
(Yer ve tarih)

.....
(İmza)

⁽¹⁾ Örneğin: imalatta kullanılan firmalara veya aynen yeniden edilen eşyalara ilişkin ithal evrakı, dolaşım belgeleri, faturalar, imalatçı beyanları, vs.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ
БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРТАСИДА
ИМТИЁЗЛИ САВДО БИТИМИ

Муқаддима

Туркия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси (кейинги ўринларда биргаликда “Аҳдлашувчи Томонлар”, алоҳида “Ўзбекистон” ёки “Туркия” ёхуд “Аҳдлашувчи Томон” деб аталувчилар),

Туркия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1996 йил 8 майда имзоланган Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга АСОСЛАНГАН ҲОЛДА,

Туркия Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 1998 йил 13 апрелда имзоланган Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА,

Туркия Республикаси Ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида имтиёзли савдо Битими (кейинги ўринларда “мазкур Битим” деб аталади) ривожланаётган мамлакатлар сифатида улар ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар учун янги муҳит яратишини АНГЛАГАН ҲОЛДА,

Тарифлар ва савдо бўйича Бош Битим (ГАТТ) Аҳдлашувчи Томонларининг Ривожланаётган мамлакатларнинг 1979 йилдаги дифференциал ва энг кўп қулайлик режими, ўзаро муносабати ва тўлиқ иштироки тўғрисидаги қарорига мувофиқ товарлар савдосини либераллаштиришга эришиш ИСТАГИДА,

Дўстлик ва қардошлик РУҲИДА,

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида яқин иқтисодий шерикликни кучайтириш иқтисодий ва махсус фойда келтиришини ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашини АНГЛАГАН ҲОЛДА,

Иқтисодиётни янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида савдо товарларини диверсификация қилиш заруриятига УРҒУ БЕРГАН ҲОЛДА,

куйдагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда Мақсадлар

Мазкур Битимнинг мақсади Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо алоқаларини куйидагилар орқали мустақкамлашдан иборат:

а) мазкур Битимнинг 5-моддасида келтирилган умумий принциплар;

б) мазкур Битимнинг I-A иловаси ва I-B иловасида кўрсатилган товарларга нисбатан тарифлар ва пара-тарифларни камайтириш ёки бекор қилиш;

с) Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни уйғун ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш ва рағбатлантириш;

д) Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида ҳалол рақобат учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

е) Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги савдонинг барқарор ўсиши учун янада турғун ва хавфсиз муҳит яратиш.

2-модда Битимнинг талқин қилиниши

Мазкур Битим қоидалари Аҳдлашувчи Томонлар хайрихоҳлик билан мазкур Битимни бажаришлари ва ўз мажбуриятларини четлаб ўтишдан сақланишлари зарурлигини инobatга олган ҳолда халқаро шартномалар қоидаларини талқин қилиш бўйича халқаро ҳуқуқнинг одатий қоидаларига мувофиқ талқин қилинади.

Иловалар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3-модда Таърифлар

Мазкур Битимнинг мақсадлари учун:

“Тарифлар” атамаси Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудудларида амалдаги миллий қонунчиликка мувофиқ белгиланган тариф жадвалларида ўрнатилган божхона тарифлари ёки шу каби хусусиятга эга божхона божларини англатади. Тарифлар мазкур Битимнинг 9-моддасида кўрсатилган антидемпинг ва компенсация божларини ёки 10-моддасида кўрсатилган муҳофаза чораларини ўз ичига олмайди.

“Пара-тарифлар” атамаси тариф хусусиятига эга ташқи савдо операцияларида қўлланиладиган тарифлардан фарқли ўлароқ, товарлар импортида олинадиган чегара тўловлари, солиқлар ва йиғимларни англатади. Маҳаллий товарларга қўлланилгани каби ундириладиган билвосита солиқ тўловлари ва йиғимлари ёки кўрсатилган махсус хизматлар учун олинадиган тегишли импорт тўловлари ҳамда мазкур Битим доирасида рухсат этилган бошқа тўловларига пара-тариф чоралари сифатида қаралмайди.

“Товарлар” атамаси Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими остидаги товарлар, материаллар ва маҳсулотларни ташкил қилади.

“Имтиёзли режим” Аҳдлашувчи Томон тарафидан мазкур Битим доирасидаги товарлар ҳаракати бўйича тарифларни камайтириш ёки бекор қилиш ёки, зарур ҳолларда, тариф квоталарини қўллаш орқали бериладиган ҳар қандай имтиёз ёки қулайликни англатади.

4-модда

Қўлланиш соҳаси

Мазкур Битимнинг қоидалари мазкур Битимнинг I-A иловаси ва I-B иловасида кўрсатилган, Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида келиб чиққан товарларга тегишли Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги товарлар савдосига нисбатан қўлланилади.

5-модда

Умумий принциплар

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини, ташқи савдо йўналишларини ва тариф сиёсатини ҳисобга олган ҳолда, Аҳдлашувчи Томонларнинг тенг манфаатини кўзлаб, фойда принципи асосида қўлланилади.

6-модда

Бошқа халқаро шартномалар билан тартибга солинадиган савдо муносабатлари

Мазкур Битимда ҳеч нарса Аҳдлашувчи Томонларнинг учинчи Томонлар билан божхона иттифоқлари, эркин савдо ҳудудлари, имтиёзли савдо битимлари, кўп томонлама савдо битимлари ёки

трансчегаравий савдо қоидаларини сақлашга ёки яратишга тўсқинлик қилмайди.

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонларнинг улар иштирокчиси бўлган бошқа икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлсиз ҳолда қўлланилади.

7-модда

Имтиёзлар алмашинуви

Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига мазкур Битимнинг I-A иловаси ва I-B иловасида кўрсатилган товарлар савдосида мазкур Битимнинг келиб чиқиш қоидалари ҳақидаги II иловаси шартларига мувофиқ имтиёзлар берадилар.

Ҳар бир товар учун камайтириш ёки бекор қилиш қўлланиладиган базавий тариф ставкаси мазкур Битимнинг I-A иловаси ва I-B иловасида кўрсатилган.

Башарти Томонлар мазкур Битим кучга киргандан кейин исталган вақтда ўзининг амалдаги энг кўп қулайлик режими доирасидаги тарифларини пасайтирса, ушбу тарифлар I-A ва I-B иловасига мувофиқ ҳисобланган тариф ставкаларидан пастроқ бўлса, мазкур Битим қамраб олган товарлар савдосига нисбатан қўлланилади.

Аҳдлашувчи Томонлар товарлар импорти ёки экспорти учун ёки у билан боғлиқ ҳолда ундириладиган ҳар қандай турдаги тўлов ва йиғимлар (мазкур Битимнинг 3-моддасида келтирилган тарифлардан ташқари) кўрсатилган хизматларнинг тахминий қиймати билан чегараланади ва маҳаллий маҳсулотларни билвосита ҳимоя қилиш ёки фискал мақсадларда солиққа тортишга қаратилмаслигини таъминлайдилар.

Мазкур Битим кучга кирган кундан бошлаб Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларида кўрсатилган товарлар савдосига янги тарифлар ёки эквивалент таъсирга эга бўлган йиғимлар киритилмайди. Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларида кўрсатилган товарларга нисбатан пара-тарифларни қўлламайдилар.

Аҳдлашувчи Томонлар имтиёзларни кўриб чиқиш ва янгилаш мақсадида, Кўшма кўмита йиғилишлари доирасидаги маслаҳатлашувлар орқали мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларини амалга ошириш жараёнини кўриб чиқадилар.

Аҳдлашувчи Томонларнинг биридан келиб чиққан, бошқа Аҳдлашувчи Томонга импорт қилинган товарларга нисбатан уларнинг савдоси, сотилиши, сотиб олиниши, ташиш, тарқатиш ёки фойдаланилишга таклиф қилиш билан боғлиқ қонунлар, қоидалар ва талаблар бўйича маҳаллий маҳсулотлардан кам бўлмаган қулай режим қўлланилади.

8-модда

Келиб чиқиш қоидалари

Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларида кўрсатилган товарларнинг икки томонлама савдосида келиб чиқиш қоидаларини қўллашга келишиб олдилар.

Мазкур Битимнинг қоидалари билан қамраб олинган товарлар мазкур Битимнинг II иловасида белгиланган келиб чиқиш қоидаларига мувофиқ бўлган тақдирда, уларга нисбатан имтиёзли режим қўлланилади.

II иловада келтирилган келиб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш зарурати бўлганда, Қўшма қўмита мазкур Битимнинг 15-моддасида кўрсатилган тартибларга мувофиқ ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилади.

9-модда

Антидемпинг ва компенсация чоралари

Аҳдлашувчи Томонлар 1994 йилдаги ГАТТнинг VI ва XVI моддаларида, 1994 йилдаги ГАТТнинг VI моддасини амалга ошириш бўйича ЖСТ Битимида ва ЖСТ Субсидия ва компенсация чоралари тўғрисидаги Битими ва унинг иловаларида белгиланган қоидалар ва тартибларга мувофиқ антидемпинг ва компенсация чораларини кўриш ҳуқуқига эга.

Башарти ушбу моддада бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, Мазкур Битимда ҳеч нарса 1994 йилдаги ГАТТнинг VI ва XVI моддаларида, 1994 йилдаги ГАТТнинг VI моддасини амалга ошириш бўйича ЖСТ Битимида ва ЖСТнинг Субсидия ва компенсация чоралари тўғрисидаги Битими ва унинг иловаларига мувофиқ кўрилган ҳолатлар ва чораларга нисбатан ҳар қандай қўшимча ҳуқуқлар ёки мажбуриятларни юклаш сифатида талқин қилинмайди.

Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири антидемпинг ёки компенсация чораларини қўллаш ниятида бўлса, ушбу Аҳдлашувчи Томон чоралар қўлланилишидан олдин бошқа манфаатдор Томонга бундай чораларни қўллашни асословчи асосий фактлар ва хулосалар тўғрисида тегишли маълумотларни тақдим этади. Аҳдлашувчи Томонлар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари учун бундай маълумотлар олдиндан тақдим этилиши лозим.

Ушбу модданинг қоидалари Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганидан сўнг мазкур Битимнинг 20-моддасига тадбиқ этилмайди.

10-модда

Халқаро муҳофаза чоралари

Мазкур Битим қоидаларининг ҳеч бири ҳар икки Аҳдлашувчи Томонга 1994 йилдаги ГАТТнинг XIX моддаси ва ЖСТнинг Ҳимоя чоралари тўғрисидаги Битимига мувофиқ ҳимоя чораларини кўришга тўсқинлик қилмайди.

11-модда

Икки томонлама муҳофаза чоралари

Башарти мазкур Битимга мувофиқ тарифни камайтириш ёки бекор қилиш натижасида Аҳдлашувчи Томоннинг ўзи ишлаб чиқарган товарлари бошқа бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудига кўп миқдорда ёки маҳаллий маҳсулотларга нисбатан эркин шартларда ҳамда бундай товарлар ёки унга бевосита рақобат қилувчи товарлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат корхоналарига жиддий зарар етказиши ёки етказиши мумкин бўладиган шартларда импорт қилинганда, импорт қилувчи Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг 19-моддасига биноан бошқа Аҳдлашувчи Томон билан олдиндан маслаҳатлашган ҳолда ЖСТнинг Муҳофаза чоралари бўйича Битимида белгиланган процедураларга мувофиқ муҳофаза чораларини кўриши мумкин.

Муҳофаза чораларини қўллашдан аввал, Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар иккиси учун мақбул ечим топиш мақсадида, бундай чораларни қўллаш ниятида бўлган Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга вазиятни ўрганиш учун зарур бўлган барча тегишли маълумотларни тақдим этади. Бундай ечимни топиш мақсадида, Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битимнинг 19-моддасида белгиланганидек дарҳол маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Башарти

маслаҳатлашувлар натижасида Аҳдлашувчи Томонлар 30 кун ичида келишувга эришмасалар, шикоят қилувчи Аҳдлашувчи Томон муҳофаза чораларини қўллаши мумкин.

Импорт қилувчи Аҳдлашувчи Томон товарга бўлган тариф ставкасини қуйидагилардан паст бўлмаган даражага кўтарадиган икки томонлама ҳимоя чораларини кўриши мумкин:

а) чора кўрилган пайтда амалда бўлган товар учун қўлланиладиган божхона божи ставкаси; ёки

б) мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларида кўрсатилган базавий тариф ставкаси.

Импорт қилувчи Аҳдлашувчи Томон муҳофаза чораси турини танлашда мазкур Битимнинг мақсадларига эришиш учун экспорт қилувчи Аҳдлашувчи Томонга нисбатан камроқ салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чорани афзал кўради.

Қуйидаги ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлардан ҳеч бири икки томонлама муҳофаза чораларини қўлламайди:

а) икки йилдан ортиқ давр давомида, бироқ башарти Аҳдлашувчи Томоннинг ваколатли органи мазкур Битимда белгиланган процедураларга мувофиқ жиддий зарар етказилишининг олдини олиш ёки қоплаш, коррективроқани таъминлаш мақсадида бундай чораларни қўллаш зарур деб топса, шунингдек, икки томонлама муҳофаза чораларини қўллашнинг умумий муддати, жумладан, дастлабки қўллаш даври ва уни узайтириш давларида соҳа ўз фаолиятини ўнглаб олишини исботласа, ушбу давр бир йилгача қисқартириши мумкин, лекин уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим, ёки

б) ўтиш даври тугаганидан сўнг, бу мазкур Битим кучга кирган санадан кейинги 5 йиллик муддатни англади.

Муҳофаза чораларини қўллашни тақлиф этаётган Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томон билан маслаҳатлашган ҳолда муҳофаза чорасини қўллаш даврида бошқа Аҳдлашувчи Томонга ўзаро келишилган савдо компенсациясини эквивалент қийматдаги имтиёзлар кўринишида тақдим этади. Бундай маслаҳатлашувлар муҳофаза чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин 30 кун ичида бошланади.

Башарти Аҳдлашувчи Томонлар маслаҳатлашув бошланганидан 30 кун ўтгач компенсация тўғрисидаги келишувга эриша олмасалар, экспорт қилувчи Томон муҳофаза чорасини қўллаган Томоннинг савдосига нисбатан эквивалент қийматдаги имтиёзлар қўллашни тўхтатиб туриши мумкин.

5-бандда кўрсатилган тўхтатиб туриш ҳуқуқи импортнинг мутлақ кўпайиши натижасида икки томонлама муҳофаза чораси кўрилган ва бундай чоралар мазкур Битим қоидаларига мос келадиган дастлабки 2 йил давомида амалга оширилмайди.

Аҳдлашувчи Томон муҳофаза чорасини фақат мазкур Битим кучга кирган кундан бошлаб икки йил ўтгачгина қўллаши мумкин.

Башарти келиб чиққан товар импорти умумий импортнинг 10%дан камини ташкил этса, текширув ҳеч қандай икки томонлама муҳофаза чоралари қўлланилмаган ҳолда дарҳол тугатилади.

Башарти бошқа Аҳдлашувчи Томон охириги уч йил давомида импорт қилинадиган товарнинг бешта асосий етказиб берувчиларидан бири бўлмаса ва келиб чиққан товар импорти умумий ҳажмнинг 10%дан камини ташкил этса ҳамда охириги уч йил давомида бошқа Аҳдлашувчи Томондан импорт ҳажми бошқа мамлакатлар импортига нисбатан камайган ёки кичикроқ ҳажмларда (мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда) ўсиб бораётган бўлса, текширув ҳеч қандай икки томонлама ҳимоя чоралари қўлланилмаган ҳолда дарҳол тугатилади.

12-модда

Стандартлар, техник регламентлар, санитария ва фитосанитария чоралари

Аҳдлашувчи Томонлар техник регламентлар, мувофиқликни баҳолаш тартиботлари ва стандартлар ўзаро савдога тўсиқлар яратиш мақсадида тайёрланмаслиги, тасдиқланмаслиги ёки қўлланилмаслигини таъминлайдилар.

Аҳдлашувчи Томонлар ушбу моддани амалга оширишда ЖСТнинг Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги Битими (СТТ) ва Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги Битими (СФЧ) қоидалари ва принципларини қўллайдилар.

Аҳдлашувчи Томонлар қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) ҳар қандай санитария ёки фитосанитария чоралари фақатгина инсон, ҳайвонот ва ўсимлик ҳаёти ёки соғлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган даражада, илмий принципларга асосланган ва тегишли илмий маълумотлар мавжудлиги ва минтақавий вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади, етарлича далилларсиз қўлланилмайди;

б) техник регламентлар, бажарилмаслиги юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ҳисобга олган ҳолда, қонуний мақсадни

амалга ошириш учун савдони зарур бўлганидан ортиқ даражада чекламаслиги лозим. Бундай қонуний мақсадлар, жумладан, ушбу Битимнинг 15 ва 16-моддаларида тавсифланганлар; алдамчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Бундай хавфларни баҳолашда, жумладан, мавжуд илмий ва техник маълумотлар, тегишли қайта ишлаш технологияси ёки маҳсулотлардан мақсадли фойдаланиш кўриб чиқилиши лозим.

с) бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан импорт қилинган маҳсулотлар миллий маҳсулот ёки ҳар қандай бошқа давлатдан келиб чиққан маҳсулотлардан кам бўлмаган имтиёзларга эга бўлиши лозим;

д) техник регламентлар зарур бўлганда ва тегишли халқаро стандартлар мавжуд бўлса ёки улар қисқа вақт ичида мавжуд бўлса, ушбу ёки уларнинг тегишли қисмлари техник регламентлар учун асос сифатида ишлатилади.

Импорт қилувчилар/экспортчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарларнинг ҳаракатланишини соддалаштириш, Томонларнинг икки томонлама мажбуриятлари дахлсизлигини сақлаган ҳолда, савдодаги ортиқча техник тўсиқларни бартараф этиш мақсадида, мазкур Битимнинг I-A ва I-B иловаларида кўрсатилган товарлар учун, ҳар иккала Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли аккредитация органлари тегишли соҳаларда IЛАС MRA ва IAF MLA доирасида имзолловчи мақомига эга бўлган тақдирда, Томонлар бошқа Аҳдлашувчи Томонларнинг аккредитацияланган мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари натижаларини (мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик декларацияси ва синов ҳисоботлари) қабул қиладилар.

13-модда

Тўлов балансидаги муаммолар

Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири тўлов баланси билан боғлиқ жиддий муаммоларга дуч келганда ёки бундай хавф остида бўлса, Аҳдлашувчи Томонлар Халқаро Валюта Фонди Битимининг VIII ва XIV моддаларида кўрсатилган шартларга мувофиқ, чегараланган муддатда ва тўлов баланси билан боғлиқ вазиятни ҳал этиш учун зарур доирадан чиқмаган ҳолда чеклов чораларини кўриши мумкин. Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни уларнинг киритилиши тўғрисида дарҳол хабардор қилади ва бошқа

Аҳдлашувчи Томонга уларни олиб ташлаш вақт жадвалини имкон қадар тезроқ тақдим этади.

14-модда

Реекспорт ва тақчиллик изоҳи

Аҳдлашувчи Томон товарни бошқа давлатдан олиб кириш ёки олиб чиқишга тақиқ ёки чекловни қабул қилган ёки қўллаб-қувватлаган тақдирда, мазкур Битимдаги ҳеч нарса ушбу Аҳдлашувчи Томонга товарни олиб киришга тўсқинлик қиладиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидан ушбу бошқа давлатнинг бундай товарларини олиб киришни чеклаш ёки тақиқлаш; ёки

б) бундай товарни бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига олиб чиқиш шarti сифатида товар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида истеъмол қилинмасдан тўғридан-тўғри ёки билвосита Аҳдлашувчи бўлмаган Томонга реекспорт қилинмаслигини талаб этиш.

Бундан ташқари, мазкур Битим қоидаларининг ҳеч бири Аҳдлашувчи Томоннинг экспорт қилувчи Аҳдлашувчи Томон учун муҳим бўлган маҳсулотнинг жиддий танқислиги ёки таҳдидини бартараф этиш ёки олдини олиш учун зарур бўлган ҳар қандай савдони чеклаш чораларини қўллаб-қувватлаши ёки қабул қилишини истисно этмайди. Ушбу чора-тадбирлар камситувчи бўлмаслиги ва шароит уларни сақлаб қолиш учун асос бўлмаса, бекор қилиниши лозим. Аҳдлашувчи Томонлар ушбу моддага мувофиқ чоралар кўрилганда бир-бирларини дарҳол хабардор қиладилар.

15-модда

Умумий истиснолар

Мазкур Битимнинг мақсадлари учун 1994 йилдаги ГАТТнинг XX моддаси ва унинг изоҳли эслатмалари (шу жумладан, унинг изоҳлари), Аҳдлашувчи Томонлар учун мазкур Битимга киритилган ва унинг бир қисми ҳисобланади.

16-модда

Хавфсизлик бўйича истиснолар

Мазкур Битимда ҳеч бир нарса қуйидаги ҳолатларда Аҳдлашувчи Томонга хавфсизлик талаблари учун зарур деб ҳисобланадиган ҳар қандай чораларни кўришга тўсқинлик қилмайди:

а) муҳим хавфсизлик манфаатларига зид бўлган махфий маълумотлар ошкор қилинишининг олдини олиш мақсадида;

б) муҳим хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш ёки халқаро мажбуриятлар ёки

i. махсус ҳарбий мақсадлар учун мўлжалланмаган маҳсулотларга нисбатан рақобат шартларига путур етказмасликни таъминлаган ҳолда қурооллар, ўқ-дорилар ва уруш воситаларининг ноқонуний айланиши ёхуд бошқа товарлар, материаллар ва хизматлар билан бевосита ёки билвосита ҳарбий муассасани таъминлаш билан боғлиқ;

ii. биологик ва кимёвий ҳамда ядровий қуроолларни ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларни тарқатмаслик билан боғлиқ; ёхуд

iii. уруш ёки бошқа жиддий халқаро танглик вақтида қабул қилинган.

17-модда

Ахборот алмашинуви

Бир Аҳдлашувчи Томоннинг сўровига биноан ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг фаолиятига таъсир этиши мумкин бўлган масалалар юзасидан бошқа Аҳдлашувчи Томонни маълумотлар билан таъминлаши ҳамда сўралган масалаларга 30 кунлик муддат ичида жавоб бериши лозим.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимда назарда тутилган ҳар қандай савдога оид қонунлар ва қоидаларни эълон қилиши ёки оммавий ошкоралигини таъминлайди.

18-модда

Қўшма қўмита

Қўшма қўмита ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг вакилларида иборат таркибда ташкил этилади. Қўшма қўмита йилига бир марта йиғилиб, мазкур Битимни амалга оширишда эришилган ютуқларни

кўриб чиқади. Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилган ҳолда навбатдан ташқари йиғилиш ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Қўшма қўмита мазкур Битим қоидаларига мувофиқ унга юкланган ҳар қандай вазифани ўз зиммасига олади. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг илтимосига ва бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг розилиги билан Қўшма қўмита мазкур Битимни амалга оширишга таъсир этувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқади.

Қўшма қўмита мазкур Битим билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар, шу жумладан, мазкур Битимга ҳар қандай тузатишлар киритиш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин. Қўшма қўмита мазкур Битим билан боғлиқ масалалар бўйича ҳам тавсиялар бериши мумкин.

Мазкур Битимга ҳар қандай ўзгартириш киритиш бўйича Қўшма қўмита тарафидан қабул қилинган қарорлар Битимнинг 22 ва 23-моддаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Томонларнинг тегишли ички процедуралари бажарилиши шарти билан қабул қилинади.

Қўшма қўмита қарорлари келишув (консенсус) йўли билан қабул қилинади.

Қўшма қўмита ўзининг биринчи йиғилишида ўз тартиб-қоидаларини белгилайди.

Қўшма қўмита зарур деб ҳисоблаган бошқа қуйи қўмиталар ёки ишчи гуруҳларни ҳам тузиши мумкин.

19-модда

Маслаҳатлашувлар

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг амал қилишига таъсир этувчи ҳар қандай масала бўйича ўзаро мулоҳазакорлик билан ёндашади ва маслаҳатлашувлар учун муносиб имконият яратadi.

Қўшма қўмита ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг сўрови олинган кундан бошлаб 30 кун ичида ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маслаҳатлашувлар орқали қониқарли ечим топишнинг иложи бўлмаган ҳар қандай масалани кўриб чиқиш учун йиғилади.

20-модда Низоларни ҳал этиш

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида мазкур Битимни талқин этиш ёки қўллашдан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар, биринчи навбатда, икки томонлама маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилади.

Башарти Қўшма қўмита йиғилиши низони ҳал этиш тўғрисида сўров олинган кундан бошлаб 60 кун ичида ўтказилмаса ёки 45 кун ичида ўзаро қониқарли қарорга кела олмаса, Аҳдлашувчи Томонлардан бири мазкур низони Арбитраж кенгашига юбориши мумкин.

Арбитраж кенгаши ишини юритиш ва Арбитраж кенгашининг ўз қарорини қабул қилиш муддати Қўшма қўмита тарафидан белгиланади.

Аҳдлашувчи Томонлар Қўшма қўмита ва Арбитраж кенгашига низони кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатадилар ва Аҳдлашувчи Томонлар Арбитраж кенгаши қарорини бажариш учун зарур чораларни кўришлари шарт.

Арбитраж кенгаши уч аъзодан иборат бўлади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон тавсиянома юборилган кундан бошлаб ўттиз кун ичида биттадан аъзони тайинлайди ва Қўшма қўмита тавсиянома берилган кундан бошлаб қирқ беш кун ичида учинчи раислик қилувчи учинчи аъзони сайлайди. Раис ҳеч бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароси бўлмаслиги ва тайинланган вақтда ҳар икки Аҳдлашувчи Томон билан дипломатик муносабатларга эга бўлган давлат фуқароси бўлиши лозим. Арбитраж кенгаши ташкил этилган сана Раис тайинланган сана ҳисобланади.

Барча ҳакамлар (арбитраж аъзолари) холислик, ишончлилиқ ва соғлом фикр асосида танланиши ва қонунчилиқ, халқаро савдо ёки мазкур Битим билан боғлиқ бошқа масалаларда ёхуд халқаро савдо шартномалари бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда махсус билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Улар мустақил бўлишлари, ўзларининг шахсий мақомларида хизмат қилишлари ва унга алоқадор бўлмаган ёки ушбу низо билан боғлиқ бирор бир партия ёки ташкилотдан кўрсатмалар олмасликлари лозим.

Башарти Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида бошқача келишилган бўлмаса, Арбитраж кенгаши муҳокамаси шикоят қилинган Аҳдлашувчи Томон ҳудудида бўлиб ўтади. Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан келишилган қоидаларга мувофиқ, Арбитраж

кенгаши ўз иш тартибини белгилайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳаками ва унинг арбитраж муҳокамасида иштирок этиши учун харажатларни ўз зиммасига олади. Арбитраж кенгаши раисининг харажатлари ва бошқа харажатлар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тенг тақсимланади.

Аҳдлашувчи Томонлар Қўшма қўмита ёки Арбитраж кенгаши қарорини амалга ошириш учун зарур чораларни кўрадилар. Башарти Аҳдлашувчи Томон қарорларни бажармаса, бошқа Аҳдлашувчи Томон эквивалент имтиёзли режимни бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

21-модда

Мажбуриятларни бажариш

Аҳдлашувчи Томонлар мазкур Битим мақсадларига эришиш ва мазкур Битим бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Башарти Аҳдлашувчи Томонлардан бири бошқа Аҳдлашувчи Томонни мазкур Битим бўйича мажбуриятни бажармаган деб ҳисобласа, бошқа Аҳдлашувчи Томон, биринчи навбатда, мазкур Битимнинг 19 ва 20-моддаларида кўрсатилган тартиб-қоидаларга мурожаат қилиши лозим.

Башарти маслаҳатлашувларни ўтказиш бўйича сўров олинган кундан бошлаб 60 кун ичида ўтказилмаса ёки Қўшма қўмита 45 кун ичида низони ҳал қила олмаса ёхуд Арбитраж кенгашини тузиш тўғрисидаги сўров олинган кундан бошлаб 60 кун ичида Арбитраж кенгаши тузилмаса, бундай ҳолда шикоят қилувчи Аҳдлашувчи Томонлар эквивалент имтиёзли режимни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

22-модда

Ўзгартиришлар киритиш

Мазкур Битимга Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро келишуви асосида мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ушбу ўзгартиришлар мазкур Битимнинг 23-моддасига мувофиқ кучга киради.

23-модда


Кучга кириши, муддати ва тугатилиши

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган ички ҳуқуқий процедураларни бажарганлиги тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олингандан кейин иккинчи ойнинг биринчи кунидан кучга киради.

Мазкур Битим номаълум муддатга тузилади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилиш орқали мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиши мумкин. Бундай ҳолда, мазкур Битим бошқа Аҳдлашувчи Томон уни тугатиш тўғрисидаги хабарномани олган кундан бошлаб 6 (олти) ой ўтгандан кейин тугатилади.


Тошкент шаҳрида 2022 йил 29 мартда, икки асл нусхада, ҳар бири турк, ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар тенг аутентикдир. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Туркия Республикаси
номидан



доктор Меҳмет Муш
Савдо вазири

Ўзбекистон Республикаси
номидан



Сардор Умурзаков
Бош вазир ўринбосари –
Инвестициялар ва ташқи
савдо вазири

**Ўзбекистон Республикасидан келиб чиққан ва
Туркия Республикаси ҳудудига олиб кириладиган
имтиёзли товарлар рўйхати**

Т/р	ТИФ ТН коди	Маҳсулот номи	Базавий тариф ставкаси	Тариф квотаси (ТК) бўйича имтиёзли тариф режими
1	070310	Пиёз ва шалот пиёз	49,5%	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
2	071190	Бошқа сабзавотлар, сабзавот аралашмалари	5%-36%	ТК: йилига 4 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
3	071320	Нўхатлар (гарбанзо)	0%-19,3%	ТК: йилига 2 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
4	071331	Vigna mungo (L.) Нерпер ёки Vigna radiata (L.) Wilczek туридаги ловиялар	0%-19,3%	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
5	071333	Ловия, шунингдек оддий оқ ловия (Phaseolus vulgaris)	0%-19,3%	ТК: йилига 3 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
6	080212	Тозаланган	2%+ ҳар бир тонна учун 818 \$	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш

Т/р	ТИФ ТН коди	Махсулот номи	Базавий тариф ставкаси	Тариф квотаси (ТК) бўйича имтиёзли тариф режими
7	080232	Тозаланган	4%+ ҳар бир тонна учун 573 \$	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
8	080620	Қуритилган	54,9%	ТК: йилига 400 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
9	081320	Қуритилган олхўри	43,2%	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
10	081340	Бошқа мевалар	15,4%	ТК: йилига 700 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
11	090421	Қуритилган, майдаланган ва майдаланмаган	19,5%-75%	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш
12	120242	Тозаланган, синган ёки синмаган	3%+ ҳар бир тонна учун 445 \$	ТК: йилига 1 000 тонна миқдордаги квота доирасида ББ, ҚББ ва ҚМЖни 100% қисқартириш

Изоҳ: ТК – Тариф квотаси
ББ – Божхона божи
ҚББ – Қўшимча божхона божи
ҚМЖ – Қўшимча молиявий
жавобгарлик йиғими

**Туркия Республикасидан келиб чиққан ва
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган
имтиёзли товарлар рўйхати**

Т/р	ТИФ ТН коди	Маҳсулот номи	Базавий тариф ставкаси	Имтиёзли тариф режими %	Имтиёзли божхона божи ставкаси %
1	721049	Бошқалар	10%	ББни 50% қисқартириш	5,0%
2	841370	Бошқа турдаги центрифуг насослар	5%	ББни 50% қисқартириш	2,5%
3	848180	Бошқа жиҳозлар	5% (8481.80.11. 00 8481.80. 61.00 8481.80. 63.90 позициялар учун - 10%)	ББни 50% қисқартириш	2,5% (8481.80. 11.00 8481.80.61. 00 8481.80.63. 90 позиция- лар учун - 5%)
4	850213	Қуввати 375 кВа дан юқори бўлган	0%-5%	ББни 50% қисқартириш	0%-2,5%
5	850490	Қисмлар	5%	ББни 50% қисқартириш	2,5%
6	853710	1.000 Vдан ошмайдиған кучланиш учун	10%	ББни 50% қисқартириш	5,0%
7	853720	1.000 Vдан ортиқ кучланиш учун	10%	ББни 50% қисқартириш	5,0%
8	853890	Бошқалар	5%	ББни 50% қисқартириш	2,5%

Т/р	ТИФ ТН коди	Маҳсулот номи	Базавий тариф ставкаси	Имтиёзли тариф режими %	Имтиёзли божхона божи ставкаси %
9	854442	Улагичлар билан жиҳозланган	10%	ББни 50% қисқартириш	5,0%
10	854449	Бошқалар	10%	ББни 50% қисқартириш	5,0%
11	903289	Бошқалар	5%	ББни 50% қисқартириш	2,5%
12	940690	Бошқалар	10%	ББни 60% қисқартириш	4,0%

Изоҳ: ББ – Божхона божи

П ИЛОВА
МАЪМУРИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИМТИЁЗЛИ КЕЛИБ
ЧИҚИШ ҚОИДАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА

МУНДАРИЖА

- I САРЛАВҲА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
- 1-модда Қўлланиш доираси
 - 2-модда Атамалар
- II САРЛАВҲА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ**
- 3-модда Умумий талаблар
 - 4-модда Батамом ишлаб чиқарилган ёки олинган маҳсулотлар
 - 5-модда Етарлича ишлаган ёки қайта ишланган маҳсулотлар
 - 6-модда Келиб чиқиш кумуляция тамойили
 - 7-модда Етарли бўлмаган ишлаш ёки қайта ишлаш
 - 8-модда Малака бирлиги
 - 9-модда Аксессуарлар, эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар
 - 10-модда Тўпламлар
 - 11-модда Нейтрал элементлар
- III САРЛАВҲА ҲУДУДИЙ ТАЛАБЛАР**
- 12-модда Тўғридан-тўғри ташиш
 - 13-модда Кўргазмалар
- IV САРЛАВҲА EUR.1 ҲАРАКАТЛАНИШ СЕРТИФИКАТИ**
- 14-модда Умумий талаблар
 - 15-модда EUR.1 Ҳаракатланиш сертификатини бериш тартиби
 - 16-модда Электрон шаклда берилган EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати
 - 17-модда Кейинчалик берилган (ретроспектив тарзда) берилган EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати
 - 18-модда EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати дубликатини тақдим этиш
 - 19-модда Олдиндан берилган EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати асосидаги келиб чиқиш бўйича тасдиғини бериш
 - 20-модда EUR.1 Ҳаракатланиш сертификатининг амал қилиш муддати
 - 21-модда EUR.1 Ҳаракатланиш сертификатини тақдим этиш
 - 22-модда Қисмларга ажратилган ҳолда олиб кириш (импорт қилиш)
 - 23-модда Қўшимча тасдиқловчи ҳужжатлар

- 24-модда EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати ва тасдиқловчи ҳужжатларни сақлаш
- 25-модда Номувофиқликлар ва расмий хатоликлар
- V САРЛАВҲА МАЪМУРИЙ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ**
- 26-модда Ўзаро ёрдам
- 27-модда Келиб чиқиш далилларини текшириш
- 28-модда Низоларни ҳал қилиш
- 29-модда Жарималар
- 30-модда Эркин зоналар
- VI САРЛАВҲА ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**
- 31-модда Божхона ва келиб чиқиш масалалари бўйича қуйи қўмита
- 32-модда Илова
- 33-модда Транзит ва сақловдаги товарлар
- 34-модда Ўзгартиришлар

- ИЛОВА:** EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати ва EUR.1 Ҳаракатланиш сертификатини олиш учун ариза намуналари

ЎСАРЛАВҲА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда

Қўлланиш доираси

Туркия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси (бундан буён матнда “Туркия” ва “Ўзбекистон” ёки “Аҳдлашувчи томонлар” деб юритилади) ўртасида имтиёзли савдо Битими (бундан буён матнда “мазкур Битим” деб юритилади) бўйича имтиёзларга эга бўлган маҳсулотларнинг келиб чиқишини аниқлаш учун II илова қўлланилади.

2-модда

Атамалар

Мазкур Илованинг мақсадлари учун:

- (a) “боблар” ва “сарлавҳалар” Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимини ташкил этувчи номенклатурасида ишлатиладиган боблар ва сарлавҳаларни (тўрт рақамли кодлар) англатади (бундан буён “УТ” деб аталади);
- (b) “таснифланган” маълум бир сарлавҳа остида маҳсулот ёки материалнинг таснифини англатади;
- (c) “товар туркуми” – бир вақтнинг ўзида бир экспортёрдан битта қабул қилувчига ёки битта транспорт хужжати билан экспортёрдан қабул қилувчига юбориладиган маҳсулотларни англатади;
- (d) “резидент” деб қуйидагилар назарда тутилади:
 - жисмоний шахсга нисбатан, Аҳдлашувчи Томонлар ҳудудида доимий яшайдиган ҳар қандай шахс,
 - юридик шахс ёки шахслар бирлашмасига нисбатан, ҳудудда рўйхатдан ўтган идораси, Марказий штаб-квартираси ёки доимий тадбиркорлик муассасаси бўлган ҳар қандай шахс;
- (e) “экспортёр” бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томонга товарларни экспорт қилувчи резидентини англатади;
- (f) “импортёр” бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа Аҳдлашувчи Томондан товарларни сотиб олувчи резидентини англатади;

- (g) EUR.1 Ҳаракатланиш сертификати – ваколатли орган томонидан берилган ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи ҳужжат;
- (h) “божхона қиймати” импорт қилувчи мамлакатга экспорт қилишда тўланиши лозим бўлган ҳаражатлар ва нархга тузатишларни инобатга олган ҳолда товарлар учун тўланадиган ёки аслида тўланган нархни акс эттирувчи импорт қилинадиган товарларнинг битим қийматини англатади;
- (i) “товарлар” маҳсулотлар ва материалларни англатади;
- (j) “ишлаб чиқариш” ҳар қандай турдаги етарлича ишлаш ёки қайта ишлаш, жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан боғлиқ йиғиш ва махсус операцияларни англатади;
- (k) “материал” маҳсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ҳар қандай ингредиент, хом-ашё, компонент ёки қисм ва бошқаларни англатади;
- (l) “маҳсулот” ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, зеро у бошқа ишлаб чиқариш операцияларида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса ҳам;
- (m) “худудлар” Аҳдлашувчи Томонларнинг худудларини, шу жумладан, худудий сувларни англатади;
- (n) “материаллар қиймати” келиб чиқиши номаълум бўлган материаллар фойдаланилганда унинг олиб киришдаги божхона қиймати ёки башарти буни аниқлашнинг иложи бўлмаса, Аҳдлашувчи Томонда ушбу материаллар учун тўланган дастлабки аниқлаш мумкин бўлган нархни англатади.
- (o) “келиб чиқиши маълум материалларнинг қиймати” – талаб этиладиган ўзгартиришлар киритилган ҳолда (n) кичик бандда белгиланган материалларнинг қийматини англатади;
- (p) “қўшилган қиймат” маҳсулот франко завод нархидан ишлаб чиқаришда фойдаланилган, бошқа Аҳдлашувчи Томонда ишлаб чиқарилган материалларнинг божхона қийматини айириб ташлангандаги нарх ёки божхона қиймати номаълум бўлган ёки аниқлаб бўлмайдиган ҳолларда Аҳдлашувчи Томонда улар учун илк ўрнатилган ва тўланган нарх тушунилади;
- (q) “франко завод нархи” (“ex-works price”) олинган маҳсулотни экспорт қилишда тўланадиган ёки тўланиши

мумкин бўлган ҳар қандай ички солиқлар олиб ташланиб, ишлатилган барча материалларнинг нархини ўз ичига олган ҳолда, Аҳдлашувчи Томондаги охириги ишлаш ва қайта ишлаш амалга оширилган корхонадаги ишлаб чиқарувчига маҳсулот учун тўланган нархни англатади.

- (г) “ваколатли органлар” мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун масъул бўлган маъмурий органларни англатади, турк томони учун “Туркия Республикаси Савдо вазирлиги” ва ўзбек томони учун “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси”;
- (с) марказий ваколатли орган – Битимнинг Аҳдлашувчи Томони товарларнинг келиб чиқиш сертификатларини бериш ва ушбу давлат ҳудудига товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашнинг ягона электрон тизимини юритиш ҳамда ушбу тизимнинг тўғри ишлашини назорат қилиш учун ваколатли этиб белгиланган органи (ташкilotи).

II САРЛАВҲА

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

3-модда

Умумий талаблар

Бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томондан мазкур Битимнинг 12-моддаси талабларига кўра тўғридан-тўғри юбориладиган ва куйидаги келиб чиқиш мезонларидан бирига жавоб берган маҳсулотлар имтиёзларга эга бўлади:

- (а) 4-моддада белгиланган батамом олинган/ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки
- (б) Аҳдлашувчи Томондан бирида батамом олинган/ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ташқари 5-модда талабларига мувофиқ етарлича ишлов бериш ёки қайта ишлашдан ўтган маҳсулотлар.

4-модда

Батамом ишлаб чиқарилган ёки олинган маҳсулотлар

1. 3 (а)-модданинг маъносига кўра, қуйидагилар экспорт қилувчи Томонда батамом олинган ёки ишлаб чиқарилган деб ҳисобланади:
- (а) унинг тупроғидан, сувидан ёки денгиз тубидан олинган хом ашё ёки минерал маҳсулотлар;
 - (б) йиғиб олинган, терилган ёки йиғилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, ўрмон хўжалиги маҳсулотлари;
 - (с) у ерда туғилиб ўсган тирик ҳайвонлар;
 - (д) у ерда туғилган ва ўсган ҳайвонлардан олинган маҳсулотлар;
 - (е) овчилик, балиқчилик ёки аквакултура фаолияти натижасида олинган маҳсулотлар;
 - (ф) Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳудудий сувларидан ташқарида денгиздан ўз кемалари тарафидан олиб кетилган денгиз балиқ овлаш маҳсулотлари ва бошқа денгиз маҳсулотлари;
 - (г) фақат юқоридаги (е) ва (ф) кичик бандларида кўрсатилган маҳсулотлардан мамлакат завод кемаларида қайта ишланган ва/ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар;
 - (ҳ) у ерда аввал ишлатилган ва фақат қайта ишлаш учун мўлжалланиб тўпланган буюмлар;
 - (и) у ердаги ишлаб чиқариш ёки бошқа операцияларнинг натижаси ҳисобланган иккиламчи хом ашё ва чиқиндилар;
 - (й) у ерда фақат юқоридаги (а)дан (и) бандларигача кўрсатилган маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган товарлар.
2. 1 (ф) (г) банддаги “уларнинг кемалари” ва “уларнинг завод кемалари” атамалари фақат қуйидаги кемалар ва завод кемаларига нисбатан қўлланилади:
- (а) Аҳдлашувчи Томонда рўйхатдан ўтган ёки қайд этилган;
 - (б) Аҳдлашувчи Томон байроғи остида сузадиган;
 - (с) 60 фоиздан кам бўлмаган улушлари Аҳдлашувчи Томон фуқароларига тегишли бўлган ёки Бош офиси, бошқарувчиси ёки бошқарувчилари, Директорлар кенгаши ёки Кузатув кенгаши раиси ҳамда бундай кенгаш аъзоларининг кўпчилиги Аҳдлашувчи Томон фуқаролари бўлган, шунингдек, масъулияти чекланган ширкатлар ёки жамиятлар капиталининг камида ярми Аҳдлашувчи Томон фуқароларига ёки Томонларнинг давлат органларига

тегишли бўлган.

5-модда

Етарличанишлов берилган ёки қайта ишланган маҳсулотлар

1. 3 (b)-модда мазмунида Аҳдлашувчи Томонда олинган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган келиб чиқиши номаълум материаллар, башарти бундай материалларнинг қиймати 841370, 850213, 940690 ТИФ ТН кодлари бўйича таснифланувчи товарлар учун франко завод нархининг 20 фоизидан ва I-A ва I-B иловада келтирилган, бошқа тариф қаторларидаги маҳсулотлар учун франко завод нархининг 40 фоизидан ошмаган тақдирда, бундай материаллар етарли даражада ишлов берилган ёки қайта ишланган деб ҳисобланади.
2. Аҳдлашувчи Томонлар келгусида маҳсулотлар қамровини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган, келиб чиқиши номаълум бўлган материалларнинг қиймати маҳсулотга хос асосда кўриб чиқилади.
3. 1-банд 7-модданинг қоидаларига мувофиқ қўлланилади.

6-модда

Келиб чиқиш кумуляция тамойили

